

## Пул аслида роҳат эмас



06:57 / 20.12.2025 1338

Пул, бойлик аслида роҳатга сабаб нарсa эмас. Пулнинг ўзи инсонга ором бера олмайди. Пул бўлсаю, лекин унда барака бўлмаса, роҳатга эмас, аксинча, азобга сабаб бўлади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат асносида:

قُزِرَ فِي يَوْمِ الْكِرَابِ وَيُرَادُ فِي يَوْمِ الْغَسَّوِ وَيَبْنَدُ فِي رَفْعِ الْمُلَلِ

**«Аллоҳим! Гуноҳимни кечир, ҳовлимни кенг қил ва ризқимга барака бер»**, деб дуо қилганлар.

*Имом Аҳмад ва Имом Насоий ривояти.*

Эътибор қилинг, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ризқнинг кўп бўлишини сўрамадилар. Балки, «Аллоҳим! Менинг ризқимга барака ато қил», дедилар.

**«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/  
2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида  
тайёрланди.